

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқи
УДК: 339.138:634.1 (575.1)

ХОЖИЕВ ЭЛШОД ЁҚУБ ЎҒЛИ

**ЎРИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ
ТАДҚИҚОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.11-Маркетинг

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори,
профессор Эргашходжаева Шахноза
Джасуровна**

Тошкент – 2023



МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

1-	Ўрик маҳсулотлари бозорида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари.....	14
БОБ.		
1.1.	Маркетинг тадқиқотларининг назарий ва услубий асослари.....	14
1.2.	Ўрик маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	24
1.3.	Ўрик маҳсулотлари экспортини ошириш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш усувлари..... Биринчи боб бўйича хулоса	36 48
2-	Ўрик маҳсулотлари бўйича экспортга йўналтирилган маркетинг фаолияти таҳлили.....	50
БОБ.		
2.1.	Ўзбекистоннинг ўрик маҳсулотлари бўйича экспорт фаолияти таҳлили.....	50
2.2.	Ўзбекистонда маҳаллий маҳсулотлар экспорти бўйича давлат томонидан қўллаб-куватлаш ҳолати таҳлили.....	62
2.3.	Ўрик маҳсулотлари бўйича экспортни оширишда стандарт меъёрларига мослиги бўйича маркетинг тадқиқотларини ўtkазиш..... Иккинчи боб бўйича хулоса	73 85
3-	Ўзбекистон Республикаси бўйича ўрик маҳсулотлари экспортини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишини такомиллаштириш.....	87
БОБ.		
3.1.	Халқаро бозорларда ўрик маҳсулотларини экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг корхоналар экспорт фаолиятига таъсири.....	87
3.2.	Ўрик маҳсулотларини экспортга йўналтиришда стандарт талабларига мослаштиришни баҳолаш ва уни амалга ошириш йўллари.....	100
3.3.	Ўзбекистонда ўрик маҳсулотлари бўйича экспорт салоҳиятини оширишни эконометрик прогнозлаш	110
	Учинчи боб бўйича хулоса	119
	ХУЛОСА.....	121
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	126
	ИЛОВАЛАР.....	140

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳонда озиқовқат, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш тобора кенг тус олмоқда. «Маркетинг тадқиқотлари учун глобал миқёсда топ компаниялар томонидан 277,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланмоқда»¹. Иқтисодий мураккаблик обсерваторияси (ОЕС)нинг 2019 йилги статистик маълумотларига кўра, дунёдаги ўрик ва қуритилган ўрик маҳсулоти савдо айланмаси 837 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. COVID-19 пандемияси натижасида ўрик маҳсулотлари бозори 2020 йил якунига келиб 824 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шу боис, жаҳон ўрик маҳсулотлари экспортини ошириш, истиқболли бозорларни топиш ва маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари томонидан глобал бозорда рақобат устунлигини таъминлашнинг асосий стратегияси сифатида қўшимча қиймат яратиш манбаи бўлган маркетинг тадқиқотларига эътибор қаратилиб, экспорт ҳажмини оширишга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, маркетинг тадқиқотлари асосида ўрик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт ҳажмини ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, глобал брендларни яратиш, истеъмолчилар мойиллигини ошириш, маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш, глобал брендлар билан рақобатлаша оловчи маҳаллий брендлар яратиш, рақамли маркетингнинг коммуникация каналларидан самарали фойдаланиш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳондаги нуфузини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш

¹ <https://startuptalky.com/how-much-money-do-companies-spend-on-research/>